

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ТАМОЙИЛ

Марказий банк асосий ставкани йиллик 14%гача пасайтирди

Ушбу қарор инфляциянинг янада секинлашиб йил якунида прогноз кўрсаткичларига эришиш бўйича ишончнинг мустаҳкамланиши, иқтисодиётда ижобий реал фоиз ставкаларини сақлаб қолиш зарурати, шунингдек, пандемия шароитида инфляцияни пасайтириш ва иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш билан изоҳланади.

14%

Бунда, прогноз қилинаётган даврда инфляцияни кескин оширувчи омилларнинг нисбатан камлиги пул-кредит шароитларини инфляцияни хатарларни юзага келтирмасдан юмшатиш имконини беради.

Марказий банк йил якуни бўйича инфляциянинг прогноз коридорининг куйи чегарасига яқин даражада шаклланиш эҳтимоли билан инфляция прогнози 11-12,5% даражасида ўзгаришсиз сақлаб қолади. Инфляцияни қўлтирилган барқарор пасайиши ва макроиқтисодий барқарорликнинг сақлаб қолиниши шароитида инфляция прогнози янада пасайтириш томонга кўриб чиқиши мумкин.

Марказий банк Ҳукумат билан биргаликда 2023 йилга қадар инфляциянинг 5%лик доимий мақсадли кўрсаткичга эришиш учун барча зарурий чораларни кўриб боради.

cbu.uz.

ПАРЛАМЕНТДА



Сенаторлар парламент сўрови натижасидан қониқдими?

Олий Мажлис Сенатининг 11 сентябрдаги еттинчи ялпи мажлисида арзон уй-жойлар қуриш жараёнидаги муаммолар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қурилиш вазири бошчилигида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбар ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Президентнинг 2019 йил 28 ноябрдаги Фармони билан бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилган. Унга мувофиқ, амалдаги қурилиш пудрат ташкилотларига қурилиш материалларини арзонлаштирилган ҳолда етказиб бериш ва белгиланган солиқ имтиёзлари ўрнига кам таъминланган аҳоли қатлами учун манзилли имтиёзлар белгиланган.

Жумладан, даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларга дастлабки бадал ёки кредит фоизи тўловларининг бир қисмини қоплаш тартибида субсидия берилиши назарда тутилган. Бунга қўшимча равишда Солиқ кодексига асосан қиймати 300 млн сўмдан ортиқ бўлмаган уй-жой эгалари учун ҳар йили 15 млн сўмлик жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан имтиёз белгиланган. Шунингдек, қурилиш ташкилотларининг онлайн тизимда ишловчи ягона электрон маълумотлар базасининг яратилиши, танлов савдоларини ўтказиш ва соҳада «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида давлат қурилиши назоратини амалга ошириш чораларининг қўлланиши ҳам назарда тутилган.

Бундан ташқари, мажлисида қурилиш соҳаси аҳоли ҳаётида муҳим ўрин тутиши туфайли ажратилаётган маблағлар, жалб этилаётган инвестициялардан самарали фойдаланишда шаффофликни таъминлаш,

соҳани модернизациялаш, жадал ва инновацион ривожлантириш, қурилиш сифати ва назоратини илғор тажрибалар асосида мукаммал таъминлаб бериш, жорий этилаётган янги тартибни самарали қўллаш зарурлиги қайд этилди.

Қурилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий меъёрларни илғор хорижий тажрибалар даражасига олиб чиқиш, қурилиш соҳасининг барча жараёнларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, хорижий тажриба асосида амалга оширилаётган қурилиш нархини арзонлаштириш чораларини кўриш, истеъмолчи ҳуқуқлари бўйича шартнома шартларини бузган қурувчи ташкилотлар жавобгарлигини кучайтириш борасида чора-тадбирларни кучайтириш муҳимлиги таъкидланди. Қолаверса, арзон ипотека кредитлари билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги билдирилди.

Мажлисида уй-жойга муҳтож фуқаролар учун уй-жой олиши мақсадида субсидия бериш тартибини ва қўлланилаётган кредит сибсатини соддалаштириш, қурилиш материалларини марказлаштирилган тартибда етказиб бериш амалиётида бозор иқтисодиёти талабларига риоя этилишини таъминлаш, қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлаш бўйича электрон (онлайн) тизимни жорий этиш, уй-жойлар бўйича очик маълумотлар базасини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати.

ЎЗА.

КАДРЛАР БЎЛИМИ

Юрист қандай буйруқларга виза қўяди

Корхона раҳбари ва кадрлар бўйича ходими барча буйруқларни юрист билан келишиш керак деган фикрда. Бу тўғрими? Қонун ҳужжатларида юридик хизмат томонидан виза қўйиладиган буйруқларнинг аниқ турлари кўрсатилганми?

«Норма» компаниясининг меҳнатга оид ҳуқуқлар бўйича эксперти ЛЕНАРА ХИКМАТОВА вазиятга ойдинлик киритди.

– Юрист ҳужжатларга виза қўйиш билан улар шакли ва мазмунига кўра қонунчиликка мувофиқлигини эътироф этади.

Одатда буйруқнинг сўнги варағи орқа томонига ёки алоҳида келишув варағига виза қўйилади. Юрист юридик хулоса

ҳам бериши мумкин, унда ҳужжатда аниқланган барча камчиликларни кўрсатади.

Виза қўйидаги элементлардан ташкил топади:

- ҳужжатга виза қўювчи шахс лавозимининг номланиши;
- ҳужжатга виза

6-бетда



Ушбу сонда:

5-БЕТ

Вақтинча олиб кирилган ускуна устав капиталига қандай киритилади

7-БЕТ


Меҳнат дафтарчаси йўқлиги сабабли пенсиясиз қолиш мумкинми?

8-БЕТ

Энди доимий прописка штампи қўйилмаса ҳам бўладими?

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ва кўчмас мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишнинг янги қоидалари

Президентнинг 7.09.2020 йилдаги ПФ-6061-сон Фармони билан ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Бугунги кунда ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, ер назоратини амалга ошириш вазифалари битта идорада тўпланган. Ер участкалари, бино ва иншоотларга кадастр йиғмажилди рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзи томонидан тайёрланади. Буларнинг барчаси манфаатлар тўқнашувини юзага келтирмоқда. Ҳужжат билан ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича қуйидаги қадамлар назарда тутилган.

Биринчидан, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ўтказилади.

Бунда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерларнинг таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида уларнинг мониторингини

ўтказиш Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги доирасида амалга оширилади.

Тегишинча, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг коррективроқасини ўтказиш, суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш учун бюджетдан назарда тутилган маблағлар 2021 йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ажратилади.

Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга тадбиркорлик субъектлари жалб қилинади.

Иккинчидан, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси негизида Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилади. Идора халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ўз соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва учта асосий йўналишида бошқа вазифаларни амалга ошириш билан шугулланади:

в) давлат органлари ва ташкилотлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан, ўрмон ҳўжаликлари, сув ҳўжалиги ташкилотлари, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ижтимоий муассасаларга берилган ер участкаларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш балансида сақловчиларнинг буюртмаларига асосан ва уларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

г) кадастр йиғмажилди Кадастр агентлиги томонидан шахоҳатланган кадастр муҳандислари ҳамда агентлик тизимидаги ташкилотлар томонидан шартнома асосида тайёрланади;

д) 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради;

е) давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали тўпланган маълумотлар асосида амалга оширилади.

2021 йил 1 январдан бошлаб эса:

а) ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинган онлайн геопорталга киритилади. 2020 йил 1 ноябрга қадар уни синов тариқасида ишга туширадилар, 1 декабрга қадар барча қишлоқ ҳўжалиги хариталарини киритадилар ва интеграция қилинишини яқунлайдилар, 2021 йил 1 январда тўлиқ ишга туширилади;

б) ер баланси ва унинг ҳисоботи, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари фақат Миллий геоахборот тизимида юритилади;

в) Давлат кадастрлари ягона тизими Миллий геоахборот тизимида шакллантирилади;

г) тегишли давлат кадастрлари маълумотлари Миллий геоахборот тизимида фақат телекоммуникация тармоқлари орқали тўғридан-тўғри тақдим этиб борилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш	Геодезия ва картография	Давлат кадастрларини юритиш
<ul style="list-style-type: none"> кўчмас мулкка - ер участкалари, бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш; давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш; кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашга ва ер участкаларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинишига йўл қўймасликка қаратилган самарали ер назоратини амалга ошириш. 	<ul style="list-style-type: none"> аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картографияга оид изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни масофадан зондлаш, геодинамик тадқиқотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда картографик мониторингни амалга ошириш; давлат картография-геодезия кадастрини юритиш; давлат геодезия назорати. 	<ul style="list-style-type: none"> давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш; Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш, ҳудудлар давлат кадастрининг самарали юритилишини таъминлаш; давлат кадастрларини юритиш тартибларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган самарали кадастр назоратини амалга ошириш.

Бундан ташқари, ҳужжат билан қуйидаги тартиб жорий этилмоқда:

а) кадастр йиғмажилди қуйидагилар мурожаати бўйича тайёрланади:

а) захирада турган ва янги ажратилаётган ер участкаларига қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда – туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ ҳўжалиги бўлимининг;

б) қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерларда – туман (шаҳар) қурилиш бўлимининг мурожаатига мувофиқ туман (шаҳар) ҳокимлигининг буюртмасига асосан.

Харажатлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида унга эга бўлган шахс томонидан қопланади;

б) ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар шарҳланаётган Фармон кучга киргунга қадар вужудга келган, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, уларга кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқ эгаларининг буюртмаларига асосан уларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.09.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

www.norma.uz

УШБУ СОНДА	ТАМОЙИЛ	ПАРЛАМЕНТДА	КАДРЛАР БЎЛИМИ	РАСМИЯТЧИЛИК	ЕРГЕОДЕЗКАДАСТРДАВЎМ	ВАҚТИНЧА
	– Марказий банк асосий ставкани йиллик 14%гача пасайтирди	– Сенаторлар парламент сўрови натижасидан қоникдимми?	– Юрист қандай буйруқларга виза қўяди	– Расмиятчилик учун қўйилган имзо хатолардан ҳимоя қилмайди	– ЕргеодезикадастравЎм ислоҳ қилиниши муносабати билан нималар ўзгаради	– Вақтинча олиб кирилган ускунани устав капиталига қандай бериш мумкин
	1-бет	1-бет		– Корхонадаги буйруқларни тўғри рўйхатдан ўтказамиз	– Кадастр паспортини бериш тартиби ўзгарилиди	5-бет
				– Меҳнат дафтарчаси йўқми – демек стаж ҳам «йўқ»	– Экологик экспертиза қандай ўтказилади	● ХАБАР
				● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР	– Юридик соҳа кадрларини қайта тайёрлаш тизими такомиллаштирилади	– OSON электрон пуллари – чегарасиз ва хафсиз пуллар
				– Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ва кўчмас мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишнинг янги қоидалари	● ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОЙДАЛАРИ	● ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ
						– Фуқаролик – фақат битта
						– Янги прописка қоидалари
						– Чет элликнинг чиқишига тақиқ
						7-8-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Norma маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Ергеодезкадастрдавқум ислоҳ қилиниши муносабати билан нималар ўзгаради

Президентнинг 7.09.2020 йилдаги ПҚ-4819-сон қарори билан Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Ергеодезкадастрдавқум вазифаларининг бир қисми Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига, қолганлари эса ДСҚ ҳузурида ташкил этилган Кадастр агентлигига ўтказилади. Шу муносабат билан:

биринчидан, қуйидагилар ташкил этилади:

а) Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари (Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари негизида);

б) Давлат муассасаси шаклида Давлат кадастрлари палатаси (Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази негизида) – кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрини, давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини ҳамда Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш учун;

в) Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхоналари ҳамда уларнинг филиаллари негизида) – кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳудудлар давлат кадастрининг юритилишини ташкил этиш учун.

г) Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари (ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхоналарининг филиаллари негизида) – кўчмас мулк объектларининг жойлашган жойидан қатъи назар, давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртмаларига асосан кадастр йиғмажилдини тайёрлаш учун. Бунда

кадастр муҳандислари ва филиалларга ушбу хизматларни кўрсатишда тенг шароитлар яратилади. Палата филиаллари босқичма-босқич тугатиб борилади ва заруратга кўра фақат олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда сақланиб қолади;

д) қуйидагилар негизида давлат муассасаси шаклида Республика аэрогеодезия маркази:

- Марказий аэрогеодезия қорхонаси;
- Самарқанд аэрогеодезия қорхонаси;
- «Геоинформкадастр» ДУК;
- «Картография» давлат илмий ишлаб чиқариш қорхонаси;

е) Кадастр агентлигининг марказий аппарати таркибида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Геодезия назорати бошқармаси (Давлат геодезия назорати инспекцияси негизида);

иккинчидан, қуйидагилар ўтказилади:

➢ Давлат геодезия назорати инспекцияси ҳузуридаги Давлат картография-геодезия фонди – Кадастр агентлиги бўйсунувида;

➢ «Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази» ДУК – Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги таркибига;

➢ Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти – Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибига;

учинчидан, Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига айлантирилади. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари белгиланди.



б) қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига қўшимча штат бирликлари ажратилади. Улар Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

в) Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари мансабдор шахслари қишлоқ ҳўжалиги ерлари мониторингини ўтказиш жараёнида аниқланадиган ерлардан ҳўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга келтириш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ва қўриб чиқиш учун ваколатли органларга юбориш ҳуқуқига эга.

Ҳужжатда назарда тутилган тегишли ташкилотларни тугатиш, ўзгартириш ва ташкил этиш бўйича ҳамда бу билан боғлиқ ташкилий-техник чора-тадбирлар икки ой мuddатда тўлиқ амалга оширилиши керак.

Кадастр агентлигининг марказий аттестация комиссияси ташкил этилади. Унинг таркибига Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот коммуникациялари вазирлиги, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари, фан ва таълим муассасалари вакиллари киритилади. 2 ой мuddатда раҳбарлик лавозимларига номзодлар орасида танлов ўтказилади. Бунда лавозимга тайинлаш ва ундан озод этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

➢ Кадастр агентлиги директори – ДСҚ раисининг биринчи ўринбосари – Президент томонидан;

➢ директор ўринбосарлари – Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан;

➢ Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Давлат кадастрлари палатаси раиси, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) филиаллари бошлиқлари, тизимдаги ташкилотларнинг комплекенс-назорат хизмати ходимлари – Кадастр агентлиги директори томонидан.

Йили охирига қадар бошқа лавозимларга малакали ходимлар ишга қабул қилинади. Тор доирадаги мутахассислар меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда шартнома асосида Агентлик ва Палатага ишга жалд этилиши мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.09.2020 йилдан кучга кирган.

Олег Заманов, «Норма» МЧЖ эксперти.

Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари	Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари
<ul style="list-style-type: none"> ➢ Кадастр агентлиги органлари томонидан кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга асосан ундириладиган жарималарнинг 100%и; ➢ фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги учун ундириладиган жарималарнинг 10%и; ➢ кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимнинг 10%и; ➢ Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари томонидан кадастр йиғмажилдини тайёрлаш хизматларини кўрсатишдан тушган маблағларнинг 10%и; ➢ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар. 	<ul style="list-style-type: none"> ➢ қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловининг суғориладиган ерлар учун 10%и, лалми ерлар, суғориладиган ва лалми бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар учун – 5%; ➢ қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимнинг 10%и; ➢ қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш учун ўтказиладиган электрон онлайн-аукционлардан тушадиган маблағларнинг 50%и (электрон аукционни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар чегириб ташлангандан кейин ҳисобланади).

тўртинчидан, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигида қатор ўзгаришлар амалга оширилади: марказий аппарати тузилмасида:

а) марказий аппарат тузилмасида:

➢ стратегик ривожлантириш, инвестициялар ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш

масалаларига масъул вазир ўринбосари лавозими тугатилади;

➢ қишлоқ ҳўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, ер мониторингини амалга ошириш масалаларига масъул вазир ўринбосари лавозими киритилади;

Кадастр паспортини бериш тартиби ўзгартирилди

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2.09.2020 йилдаги «Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 535-сон қарорини қабул қилди.

Кўчмас мулк объектига кадастр паспортини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти тасдиқланди. У юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўч-

мас мулк объектларини расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди. Кадастр паспортини расмийлаштириш мuddатлари ҳам қисқартирилди.

Турар жойлар	Мuddати
Кўп квартиралли уйлардаги	3 иш кунига
Хусусий сектордаги	5 иш кунига
Нотурар жойлар (майdonи, кв.м)	
100 гача	5 иш кунига
100 дан 1 000 гача	7 иш кунига
1 000 дан 5 000 гача	10 иш кунига
5 000 дан 15 000 гача	15 иш кунига
15 000 дан 50 000 гача	20 иш кунига
50 000 дан ортиқ	25 иш кунига

Тасдиқланган яна бир Маъмурий регламент ипотeka ва ипотека тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатилишини тартибга солади. Мазкур регламентда назарда тутилишича, қонун асосидаги ипотекани вужудга келтирадиган кредит шартномаси ёки қарз шартномаси уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади. Ипотека алоҳида ариза берилмасдан ва рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ундирилмасдан рўйхатдан ўтказилади.

Шунингдек қуйидагилар бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентлари қабул қилинди:

➢ юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларини уларнинг аризалари асосида ижарага бериш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

➢ ўзганин ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) тўғрисидаги келишувни давлат рўйхатидан ўтказиш;

➢ фуқароларнинг номида шахсий турар жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш.



Кадастр паспортини бериш тартиби ўзгартирилди




3-бетада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат хизматлари агентлигига бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда регламентларни давлат хизматлари кўрсатиш тизими билан интеграциялаштиришни ва ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Вазирлар Маъкамасининг ушбу қарори ижроси

Президентнинг 31.01.2020 йилдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5930-сон Фармони амалга оширилишини жадаллаштиради.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 3.09.2020 йилдан кучга кирган.

Мирёқуб Ҳайдаров.



Экологик экспертиза қандай ўтказилади

Вазирлар Маъкамаси 7.09.2020 йилдаги «Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 541-сон қарорни қабул қилди.

Президентнинг 30.10.2019 йилдаги «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5863-сон Фармони ижросини таъминлаш учун Давлат экология қўмитасининг қўйидаги тақлифлари қабул қилинди:

➢ рақамли иқтисодиётга ўтиш мақсадида экологик экспертизадан ўтказиш учун ҳар йили тақдим этиладиган 30 мингга яқин ҳужжатларнинг электрон алмашинуви тизимини яратиш тўғрисидаги;

➢ фаолият турларининг атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатишини муҳокама қилиш учун жамоатчилик эшитувларини ўтказишни амалга жорий этиш тўғрисидаги.

Қарор билан қўйидагилар тасдиқланди:


➢ атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг юқори (I тоифага мансуб), ўртача (II тоифага мансуб) ва паст даражада хавфли (III тоифага мансуб), шунингдек, маҳаллий даражада таъсир кўрсатувчи (IV тоифага мансуб) ва давлат экологик экспертизасидан ўтказилмайдиган фаолият турларининг рўйхати;

➢ атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I, II, III ва IV тоифаларига мансуб фаолият турларини давлат экологик экспертизасидан ўтказишни ташкил қилиш, экспертизадан ўтказишга материалларни тайёрлаш

ва тақдим этиш, экспертизани ўтказиш мuddатлари, экспертиза иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шунингдек, экспертиза хулосаси мақоми ва экспертизани ўтказиш учун ҳақ тўлашни тартибга солувчи Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низом;

➢ Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳаларини жамоатчилик эшитувларидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом.

Давлат экология қўмитаси экспертизани ташкил этиш, давлат ва жамоат экологик эксперти-



Юридик соҳа кадрларини қайта тайёрлаш тизими такомиллаштирилади

Вазирлар Маъкамасининг «Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (8.09.2020 йилдаги 544-сон) қабул қилинди.

Хужжат Президентнинг 29.04.2020 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5987-сон Фармони ва 19.05.2020 йилдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5997-сон қарори ижросини таъминлашга қаратилган. Қарор халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда адлия органлари ходимлари, адвокатлар, нотариуслар, юрисконсултлар, патент вакиллари, медиаторлар қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган.



Қўйидагилар юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг устувор вазифалари этиб белгиланди:

➢ касбий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда кадрлар буюртмачилари ва ходимларига малака ошириш шакллари мустақил танлаш имкониятини яратиш;

➢ аънавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқитишнинг уйғунлашган иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган шакллари, таълим дастурларини, кредит-модуль механизминини жорий қилиш;

➢ кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизими фаолиятини ташкил этиш ва малака ошириш жараёنларини мониторинг қилиш;

➢ таълим жараёнини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълимни янада такомиллаштириш ва мустақил таълим олиш учун қулай шароитлар яратиш;

➢ хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар мутахассисларининг ҳуқуқий билиминини ошириш учун қисқа мuddатли ўқув курсларини ташкил этиш.

Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказининг юридик шахси ташкил этмаган ҳолда Қорақалпоғистонда ҳамда вилоятларда ҳудудий филиаллари ташкил этилади.

заси бўйича норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун масъул бўлган давлат экологик экспертизаси соҳасидаги ваколатли орган этиб белгиланди.

Давлат экология қўмитаси 2020 йил 1 октябрга қадар:

➢ ўзининг веб-сайти орқали давлат экологик экспертизасидан ўтказишнинг электрон ҳужжат алмашинуви тизимини ишлаб чиқади ва ишга туширади. Тизим ишга тушгандан сўнг ариза ва бошқа материалларни ёзма равишда қабул қилиш тўхтатилади, махсус ҳуқуқий режимга эга объектлар бундан мустасно;

➢ давлат экологик экспертизаси хулосаларининг ҳолислиги ва асосланганлигини таъминлаш учун доимий фаолият юритувчи экспертлар кенгаши ташкил этилишини таъминлайди;

➢ IV тоифага мансуб фаолият турларининг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш чораларини кўради.

Шунингдек, Давлат экология қўмитаси 2020 йил 1 декабрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган мўлжалланаётган фаолият турлари бўйича жамоатчилик эшитувлари ўтказилишини ташкил этади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.09.2020 йилдан кучга кирган.

Хужжат билан қўйидагилар тасдиқланди:

➢ Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги низом;

➢ ўқув дастурларини, ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолашни ўз ичига олган Юридик соҳага оид билим талаб этиладиган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат таълим талаблари.

Марказнинг ҳудудий филиаллари юридик техникумлар биноларида жойлаштирилади. Уларнинг тузилмаси ва низоми Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади, юридик техникумлар эса ўқув жараёнини ташкил этиш учун зарур шароитларни яратиб бериш учун масъул ҳисобланади.

Ўқитиш давомийлиги қайта тайёрлаш курсларида 4 ойни (576 соат), малака ошириш курсларида – 2 ҳафтани (72 соат) ташкил этади.

Ўқув машғулотларини ўтказиш учун жалб қилинадиган мутахассислар меҳнатига Марказни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлашда Марказга белгиланган миқдорни 200%гача ошириш ҳуқуқи берилади.

Адлия вазирлигига 3 ой мuddатда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ҳар бир ходимнинг малака ошириш жараёнларини мониторинг қилувчи ягона маълумотлар базаси – электрон платформани ишлаб чиқиш топширилди.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 9.09.2020 йилдан кучга кирган.

Вақтинча олиб кирилган ускунани устав капиталига қандай бериш мумкин

Компания муассиси вақтинча олиб кириш режимида расмийлаштирилган ускуналарни устав капиталига ҳисса сифатида бермоқда. Бунда қандай хавф-хатарлар юзага келиши, қандай қилиб уларни имкон қадар камайтириш мумкинлигини экспертлар тушунтириб беради.

Вақтинча олиб кириш режимида божхона тўловлари бирйўла эмас, балки даврий равишда – қисмлаб тўланиши назарда тутилади, бу импорт қилувчи учун фойдали. Бунда товар ўзгармас ҳолатда қолиши шарт, вақтинча олиб кириш муддати эса, одатда, икки йилни ташкил этади, бироқ муайян шароитларда узайтирилиши мумкин (БК 62-м.).



Товарни вақтинча олиб кириш божхона режимида жойлаштирган шахс мазкур режими унинг амал қилиш муддати ўтаювчи қадар тугаллаш ёки вақтинча олиб кирилган товардан фойдаланиш ва (ёки) уни тасарруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқига эга. Бунда ушбу ҳуқуққа эга бўлган шахс божхона органлари олдида вақтинча олиб кириш божхона режими шартларига риоя этиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади (БК 64-м.).

Бундан ташқари, вақтинча олиб кириш режими божхона тўловларини тўлаган ҳолда исталган пайтда эркин муомалага чиқариш (импорт) режимида қайта расмийлаштириш мумкин.



Пул, қimmatли қозғалар, ўзга ашёлар ёки мулк ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказилган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳиссалар бўлиши мумкин.

налардан фойдаланиш ҳуқуқи муассисдан корхонага қайта расмийлаштирилади.

2-ВАЗИЯТ.

Ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳисобига УҚни кўпайтириш расмийлаштирилади (давлат рўyxатидан ўтказилади)

УФ вақтинча олиб кириш муддатида ускуналардан фойдаланиши тақдим этиш бўйича мулк ҳуқуқлар қиймати ҳажмига кўпайтирилади. Фойдаланиш ҳуқуқини бериш қийматининг пул баҳоси муассислар йиғилиши томонидан белгиланади. Муддат ўтгач, муассис устав капиталига ҳиссани киритиш бўйича ўз мажбуриятини бажарган деб эътироф этилади. Тегишинча, муддат тугагач, ускуналар эгасига қайтариб берилиши лозим. Муддат ўтгач фойдаланиш ҳуқуқи тугатилганда иштирокчи жамият таркибидан чиқиб кетмайди. Вақтинча олиб кириш режими якунига етганда ускуналар Ўзбекистондан олиб чиқиб кетилиши керак.

Бу ҳолда қуйидагича йўл тутишни тавсия этамиз:

- вақтинча олиб кириш режимида божхона тўловларини ўз вақтида тўлаш;
- вақтинча олиб кириш режими даврида корxonанинг ускуналарини сақлаш ва улардан фойдаланиш шартларига риоя этиши.

3-ВАЗИЯТ.

УҚнинг ускуналар қийматига кўпайтирилиши расмийлаштирилади

УФ ускуналар қиймати миқдорига кўпайтирилади. Бунинг учун вақтинча олиб кириш режими божхона йиғимларини тўлаган ҳолда эркин муомалага чиқариш (импорт) режимида қайта расмийлаштирилади. Ускуналарни бериш қийматининг пул баҳоси муассислар йиғилиши томонидан белгиланади.




Ускуналар эркин муомалага чиқариш режимида ўтказилмасдан УҚга ҳисса сифатида қабул қилинса, қуйидаги хавф-хатарлар юзага келади:

- божхона тўловларини ўз вақтида тўламаслик, шу сабабли жарима ва пеняларнинг қўлланилиши;
 - УҚни ускуналар ҳисобига кўпайтириш бўйича операциянинг бекор қилиниши.
- Бунда:
- корхонада ускуналардан текинга фойдаланишдан олинган даромад (бозор қиймати бўйича) тан олинди (СК 299-м.);
 - корxonанинг ҳисоб (активлар ва пассивлар) ва солиқ солинадиган базаларга тузатиш киритишига, солиқ ҳисоботларини қайта топширишига тўғри келади;
 - муассисда Ўзбекистон ҳудудига жойлашган мол-мулкни корхонага фойдаланишга беришдан солиқ солиш юзага келади.

Татьяна Белоусова,
«Norma» МЧЖ етакчи эксперти,
Альберт Сафин, юрист,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ХАБАР



OSON электрон пуллари – чегарасиз ва хавфсиз пуллар

Бутун дунёдаги фойдаланувчилар OSONдан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Энди иловада халқаро Visa, MasterCard ва Мир карталарини боғлаш мумкин.

OSON – Ўзбекистоннинг бутун дунёдаги фойдаланувчилар эркин фойдалана оладиган биринчи электрон пул тўлов тизимидир. Иловада халқаро Visa, MasterCard ва Мир карталарини боғлаш имконияти пайдо бўлди.

Компанияда ушбу имкониятнинг Ўзбекистонда ва ундан ташқарида яшовчи OSON фойдаланувчилари учун бирдек қўлай.

Масалан, Россиядаги кишининг ҳамёнини Ўзбекистондан туриб тўлдириш мумкин. Бунинг учун фойдаланувчининг ҳисобварағига пул ўтказишнинг ёки уларнинг мобил оператори хизматларига ҳақ тўлаш мумкин. Бунда халқаро Visa, MasterCard ёки Мир карталарини OSON тўлов тизимига боғлаш ҳамда фойдаланувчига тегишли ҳамёни тўлдириш лозим. Шундан сўнг, OSON тизимида барча хизматлар учун ҳақ тўлаш имконияти пайдо бўлади.

Банк ёки мамлакатлар ўртасида алоҳида чекловлар мавжуд эмас. Ушбу хизмат дунёнинг барча мамлакатларида амал қилади.

– Ушбу лойиҳани амалга татбиқ этиш учун хорижий экспертларни ҳамда Россия ва европалик ҳамкор мутахассислар таклифларини ўргандик, – дейди OSON тўлов тизимининг асосчиси Фарҳод Маҳмудов. – Чет элдан OSON фойдаланувчилари ва мамлакатимиз меҳмонлари анчанда бери Ўзбекистонда Visa, MasterCard ва Мир карталари орқали онлайн-сервис ва хизматларга ҳақ тўлаш имкониятини кутаётган эдилар.

Ушбу хизматни амалга ошириш устида ишлаш жараёни узоқ ва мураккаб кечди, натижа биз кутгандек. Энди, фойдаланувчилар ўз картасини OSON тўлов тизимига боғлаш орқали барча хизматларга онлайн тарзда ҳақ тўлаши мумкин. Ортиқча оворгарчиликларга ўрин йўқ.

Тўловни амалга ошириш пайтида шахсий маълумотларнинг ҳимояси ҳам кучайтирилади. Бунга шахсий маълумотларни ва карта рақамларини токенлаштириш ёрдамида эришилди.

Токенлаштириш – бу маълумотларни шифрлаш ёрдамида электрон тўловларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминловчи технологиядир. Унинг ёрдамида сотувчи ва харидор ўртасида шахсий маълумотларни ва реқвизитларни узатишга ҳожат қолмайди. Барча маълумотлар ноёб код – токен билан алмаштирилади.


Бунда токеннинг ўзи шахсий маълумотларни сақламайди. У ҳозирги маълумотлар билан банк-экваер даражасида фақат мантиқан боғланган.

Энди хизмат ҳақини тўлаш учун ҳар сафар карта маълумотларини киритиш ёхуд уларни сотувчи ёки воситачиларга бериш шарт эмас.

Компанияда OSON тизими карта сақловчиларининг маълумотларини сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш бўйича PCI DSS 3.2.1 стандарт талабларига мувофиқлик юзасидан тасдиқланган сертификатга эга эканлиги таъкидланган.

Эндиликда пулингизнинг хавфсизлиги – OSON назорати остида бўлади. Халқаро карталар орқали ҳақ тўлаш 3D-Secure технологияси билан ҳимояланган. У тўловларни амалга ошириш хавфсизлигини оширади. (Оддий қилиб айтганда, 3D-Secure – бу тўлов пайтида карта эгасининг телефонида келадиган код). Ушбу код ёрдамида фойдаланувчи бошқа бирор кимса эмас, балки айнан ўзи тўлов бажараётганини тасдиқлайди. Агар сақловчига 3D-Secure ҳимояси уланган бўлса, сақловчининг хабарисиз тўловни бажариш имконияти мавжуд эмас.

OSON электрон пуллари тўлов тизими Matbuot хизмати. ЎЗА.



УФга (устав фондига) ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкнинг муддат ўтгач қадар ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда, жамиятнинг мол-мулкни берган иштирокчиси жамиятнинг талабига биноан унга шундай мол-мулкдан ўшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақига тенг пул товони тўлаши шарт («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 15-м.).

Вақтинча олиб кириш режими даврида ускуналардан фойдаланишга келсак, бунда турли вазиятлар юзага келиши мумкин, масалан:

1-ВАЗИЯТ.

Устав капиталининг кўпайтирилишини расмийлаштирмасдан ускуналардан фойдаланиш

Ускуналарнинг ссуда (ижара) шартномаси тузилади, вақтинча олиб кириш режимида уску-

Юрист қандай буйруқларга виза қўяди

1-бетда кўювчи шахснинг шахсий имзоси;
 ➤ имзо расшифровкаси (исми шарифи ва фамилияси);

➤ виза қўйиш санаси.
 Масалан: «Юридик бўлим бош-лиги (шахсий имзо) П.П. Камолов 07.09.2020 й.».

Юрист қандай буйруқларга виза қўйиши керак

Давлат органлари ва ташкилотларнинг юридик хизматлари фаолияти махсус Низом билан тартибга солинади.

Юридик хизмат ташкилотнинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин раҳбариятга тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиши (Низом 16-б., 19.01.2017 йилдаги ПҚ-2733-сон, 1-шлова). Улар буйича эътироз ва тақлифлар бўлмаса, виза қўяди.

Кўриб турганимиздек, мазкур нормада виза қўйиладиган буйруқларнинг турлари аниқ қайд этилмаган. Бундан ташқари, нодавлат ташкилотлари учун Низом талаблари тавсиявий хусусиятга эга. Шу сабабли юрист қаторасига барча буйруқларга виза қўйиши керакми, деган савол очиқлигида қолмоқда.

Фикримизча, давлат корхоналари ҳам, хусусий компаниялар ҳам заруратга қараб ҳужжатларга виза қўйиши буйича ўз ички тартибларини (ким,

қачон ва қандай буйруқларга виза қўйишини) тасдиқлашлари мумкин. Ушбу механизмни иш юритиш буйича йўриқномада (уни ишлаб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюмлари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш буйича намунавий йўриқномадан (ВМнинг 29.03.1999 йилдаги 140-сон қарорига 2-шлова) фойдаланиш мумкин), ҳужжатларни келишиш регламентини, таркибий бўлинмалар берган мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, нодавлат ташкилотлари учун Низом талаблари тавсиявий хусусиятга эга. Шу сабабли юрист қаторасига барча буйруқларга виза қўйиши керакми, деган савол очиқлигида қолмоқда.

Корхонада бир нечта юрист ишласа, улар виза қўйдиган буйруқларнинг турларини улар ўртасида тақсимлаб берган мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, нодавлат ташкилотлари учун Низом талаблари тавсиявий хусусиятга эга. Шу сабабли юрист қаторасига барча буйруқларга виза қўйиши керакми, деган савол очиқлигида қолмоқда.

Расмиятчилик учун қўйилган имзо хатолардан ҳимоя қилмайди

Юридик масалалар буйича «Норма» компанияси экспертлари – Альберт САФИН ва адвокат Элеонора МАЗУРОВА ҳам ушбу масала буйича ўз нуқтаи назарлари билан ўртоқлашдилар:

– Мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилотларнинг юридик қузатувини амалга оширадиган амалиётчи адвокат ва юрист сифатида айтишимиз мумкинки, амалиётда ҳатто давлат корхоналарида ҳам юридик хизмат барча буйруқ ва фармойишларга виза қўймайди. Мисол учун, ишлаб чиқаришда у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш учун материалларни бериш тўғрисидаги буйруққа юристнинг виза қўйишидан нима наф? Юрист ишлаб чиқариш буйича нормаларни ҳам, техник талабларни ҳам билмайди. Мазмунини тушунмайдиган фармойиш виза қўйишидан нима наф? Юрист ишлаб чиқариш буйича нормаларни ҳам, техник талабларни ҳам билмайди. Мазмунини тушунмайдиган фармойиш виза қўйишидан нима наф? Юрист ишлаб чиқариш буйича нормаларни ҳам, техник талабларни ҳам билмайди. Мазмунини тушунмайдиган фармойиш виза қўйишидан нима наф?

унда юридик хизмат томонидан қандай турдаги ҳужжатларга виза қўйилиши, қандайларига эса қўйилмаслиги лозимлиги аниқ кўрсатилмади.

Хусусий корхонада юрист ёки адвокат барча кирувчи ва чиқувчи ҳужжатларни кўздан кечирибди албатта, бироқ виза қўймайди. Корхонанинг локал ҳужжатлари эса юристнинг ўзи томонидан ёки унинг бевосита назорати остида ишлаб чиқилади. Бинобарин, бу ҳолда ҳам виза қўйиш талаб этилмайди. Боз устига, қонун ҳужжатларида бундай талаб қўйилмаган. Шу сабабли хусусий бизнесда ортиқча бюрократик ғов қўйишга ҳожат йўқ, деб ҳисоблаймиз. Юристнинг расмиятчилик учун қўйган имзоси хатолардан ҳимоя қилмайди.

Хўжалик шартномаларига виза қўйиш керакми

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида компаниянинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб

қўрилиши керак. *Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди («Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун 21-м.)*.

Йирик корхонадаги ходимлар сони 1 500 нафардан ошади. Иш юритишни ташкил этиш ва соддалаштирилган ҳисобни олиб бориш учун кадрлар ишини юритиш буйича йўриқнома тасдиқланган. Унга асосан буйруқлар ҳисоби алоҳида турлари буйича юритилади. Масалан, асосий фаолият, ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, таътил бериш, ишдан бўшатиш, рағбатлантириш, ундирув тўғрисидаги буйруқлар алоҳида рўйхатдан ўтказилади. Рўйхатдан ўтказишнинг шартли тартиб белгилари ҳар бир рўйхатдан ўтказилган гуруҳ учун алоҳида берилади. Бироқ компания юристининг айтишича, шахсий таркиб буйича буйруқда кетма-кетликдаги тартибда рўйхат рақамлари берилиши ва улар ягона журналда рўйхатга олиниши керак.

Шахсий таркиб буйича буйруқларни гуруҳларга ажратмасдан ягона журналда рўйхатга олиш лозимми?

Кадрлар иш юритуви буйича локал йўриқнома иш юритиш ва буйруқларни алоҳида рўйхатдан ўтказиш учун асос ҳисобланадими?

Корхонадаги буйруқларни тўғри рўйхатдан ўтказамиз

– Корхонангизда иш юритиш буйича ички локал йўриқномада барча масалалар акс эттирилган бўлса ва унга қатъий риоя этилса, у ҳолда буйруқларни рўйхатдан ўтказишга тўғри ёндашилган.

Йўриқноманинг номидаги «кадрлар буйича» сўзларини чиқариб ташлашни тавсия этамиз, сабаби унда нафақат кадрлар, балки корхонада иш юритишга доир умумий масалалар ҳам келтирилган. Бундай йўриқномада кадрлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари алоҳида акс эттирилиши лозим.

Буйруқ – корхонанинг асосий фармойиш тарзидаги ҳужжати. Қонун ҳужжатларида тижорат корхоналарида қандай буйруқ турлари ва қайси тоифалар буйича қўлланилиши белгиланмаган. Бироқ буйруқларни 3 та асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

- асосий фаолият тўғрисида;
- кадрлар масалалари тўғрисида;
- маъмурий-хўжалик масалалари тўғрисида.

Ҳужжатларни сақлаш муддатлари ва буйруқлар туси (мавзуси) каби мезонлар асос қилиб олинади. Шу билан бирга муайян корхонадаги ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда буйруқларни гуруҳлаш тақиқланмаган. Масалан, корхонада асосий фаолият тури ва кадрлар масалалари буйича ҳисоб юритилиши мумкин. Ўз навбатида, кадрларга оид ҳужжатлар бир неча кичик гуруҳларга ажратилиши мумкин. Асосий, булар локал ҳужжатда қайд этилган бўлиши керак.

Асосий фаолият тури буйича буйруқлар – булар умуман корхонада ёки унинг таркибий бўлинмаларида ишни ташкил этиш буйича раҳбар қарорлари расмийлаштирилмайдиган ҳужжатлар. Асосий фаолият тури буйича буйруқлар қуйидаги масалалар юзасидан чиқарилади:

- низом, йўриқнома, қоидалар, тузилмани ва штат жадвалини тасдиқлаш;
- ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш;
- ходимлар билан ишлаш буйича тadbирлар ўтказиш;
- нархни шакллантириш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш;
- реклама акцияларини ўтказиш;
- харажатларни меъёрлаштириш ва ҳ.к..

Кадрлар масалалари буйича буйруқлар – шахсий таркиб буйича ҳужжатлар (ишга қабул қилиш, меҳнат шартномаси шартларининг ўзгартирилиши, таътилар берилиши, рағбатлантириш

ва жавобгарликка (интизомий) тортиш, меҳнат шартномасининг бекор қилиниши тўғрисидаги ҳужжатлар).

Маъмурий-хўжалик масалалари буйича буйруқлар – маъмурий-хўжалик масалаларини ташкиллаштириш – бинога хизмат кўрсатиш, қўриқлаш таъмирлаш ишлари буйича қарорлар расмийлаштирилмайдиган ҳужжатлар.

Корхонада 2 турдаги буйруқлар юритилса, ҳар йили буйруқлар солинган 2 та йиғмажилд шакллантирилиши лозим, ҳужжат айланишида катта бўлганда эса – ҳар бир турдаги ҳар бир мавзу буйича алоҳида йиғмажилд тутилади (масалан: асосий фаолият буйича буйруқлар, 1-жилд; кадрлар масалалари буйича буйруқлар, 3-жилд). Буйруқлар турлари (мавзуси) буйича алоҳида шаклларида рўйхатдан ўтказилади.

Журналлар ички таснифлашга қараб алоҳида юритилади. Буйруқларни рўйхатдан ўтказиш журнали буйруқлар билан ишлашда уларни тезкор излаб топиш учун ахборот-маълумотнома дастаги ҳисобланади. Буйруқларни рўйхатдан ўтказиш ва рақамлаш 1 календарь йил давомида олиб борилади. Журнал электрон шаклда ҳам юритилиши мумкин.

Буйруқларни рўйхатга олиш журналларнинг намунавий шакллари мавжуд эмас. Корхона тугатилган тақдирда ҳужжатлар қайта экспертиза қилиниши лозим. Фуқаролар ҳуқуқларига дахлдор бўлган буйруқлар маҳаллий архив муассасаларига рўйхат буйича сақлашга берилади.

Буйруқларни расмийлаштириш, тасдиқлаш, бекор қилиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш тартиби локал ҳужжатларда, масалан, иш юритиш буйича йўриқномада баён этилиши лозим.

Буйруқларни рўйхатдан ўтказишнинг алоҳида тизимида буйруқларни рақамлаш ва ҳисобга олиниши алоҳида юритишни ҳамда буйруқларни рақамлардан ташқари ҳарфли ёки қўшимча индекслар билан белгиланиши тавсия этамиз. Ушбу вариантда буйруқларни алоҳида йиғмажилдлар буйича ажратишда чалкашлик бўлмайди ва битта ҳисоб даврида буйруқлар рақамлари такрорланишига йўл қўйилмайди.

Масалан, асосий фаолият тури буйича буйруқлар «аф» (N 1-аф, 2-аф) индекслари билан, кадрлар масалалари буйича буйруқлар «кб» ёки «к» индекслари билан белгиланиши мумкин, улар рақамларга бириктирилади.

Валерия Ляндрес,
кадрлар хизмати ходими.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Тақлимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Меҳнат дафтарчаси йўқми – демак стаж ҳам «йўқ»

Пенсияга ҳужжатларни йиғайтган шахсга охириги ишдан бўшаган жойида раҳбар билан бўлган можародан кейин меҳнат дафтарчасини беришмаяпти. Ходим меҳнат дафтарчамни йўқотиб қўйишган деган шубҳага боряпти. Шу туфайли пенсияни расмийлаштиришда тўсиқ пайдо бўлган. Бўлгуси пенсионер меҳнат дафтарчаси йўқлиги сабабли пенсиясиз қолиши мумкинми? Вазиятни «Норма» компаниясининг меҳнат ҳуқуқлари бўйича эксперти Лена ХИКМАТОВА тушунтиради.

Иш берувчи меҳнат дафтарчасини беришни рад этишга ҳақлими?

Иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси билан бирга меҳнат дафтарчасини ҳам ходимга бериши лозим (МК 108-м.). Меҳнат дафтарчасини беришни бирор-бир сабабларга кўра ортга суриш мумкин эмас.

Бошлаган ишни охирига етказмаслик, қарз йўқлиги варақасини (обходной листни) имзоламастик, ходим ҳисобида турган моддий қимматликларни топширмастик ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар меҳнат дафтарчасини беришни рад этиш учун асос бўла олмайди (ОСПнинг 17.04.1998 й. 12-сон қарори 15-б. 5-хат-боши).

Бундан ташқари, меҳнат дафтарчасининг ўз вақтида берилмаганлиги иш берувчига қимматга тушиши мумкин. Иш берувчининг айби билан меҳнат дафтарчаси берилмай ушлаб турилган ҳолларда ходимга мажбурий прогул вақти учун ўртача иш ҳақи тўланади. Масалан, моддий жавобгар ходим томонидан моддий қимматликлар ўз вақтида топширилмаган ҳолатларда меҳнат дафтарчасининг ушлаб турилишини олайлик. Мазкур ҳолатда ишдан бўшатиш кунини меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Ишдан бўшатишнинг янги санаси ҳақида буйруқ чиқарилади ва меҳнат дафтарчасига бошқа ёзув киритилади, дастлабки ёзув бекор қилинади (Йуриқнома 3.1.-б., АВ рақами 402, 29.01.1998 й.).

Иш берувчи ишдан бўшатишдан ходимга унинг меҳнат дафтарчасини бермаётган бўлса, ходим жавобгар унга меҳнат дафтарчасини беришини ва меҳнат дафтарчаси ноқонуний уш-

лаб турилган мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундирилишини талаб қилган ҳолда судга мурожаат қилиши мумкин.

Ходим меҳнат масалалари бўйича судга мурожаат этганда суд харажатларини тўлашдан озод этилади (МК 277-м.). Ходимнинг давросини қаноатлантиришда давлат божи ва почта харажатлари жавобгар бўлган иш берувчидан ундирилади (ОСПнинг 12-сон қарори 56-б.).

Меҳнат дафтарчаси йўқолганда стажни қандай тасдиқлаш керак

Ҳақиқатан ҳам, меҳнат дафтарчаси – бу иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 42-м.). Бироқ меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаган ҳолатларда ёки унга зарур ёзувлар киритилмаганда ёхуд улар нотўғри ва ноаниқ бўлганда, иш стажини тасдиқлаш учун қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

- маълумотномалар, шу жумладан архив маълумотномалари;
 - буйруқлардан кўчирмалар;
 - шахсий ҳисобварақлар ва иш ҳақи тўлаш бўйича ведомостлар;
 - меҳнат шартномалари (контрактлар);
 - меҳнат фаолияти даврлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар.
- Маълумотномада қуйидагилар кўрсатилади:
- ишга қабул қилиш тўғрисидаги маълумотлар;
 - ишдан ишга ўтказишлар (павозимлар) ҳақидаги маълумотлар;
 - асос келтирилган ҳолда меҳнат дафтарчасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар.

Маълумотнома ташкилот ёки архив

раҳбари, шунингдек уни тайёрлаган ходим томонидан имзоланади ҳамда уни берган ташкилот ёки архив муҳри билан тасдиқланади (Низом 52-б., ВМнинг 8.09.2011 й. 252-сон қарорига 1-илова).

2005 йилдан амалга оширилган меҳнат фаолияти бўйича стажни тасдиқлаш учун архив маълумотлари зарур бўлмайди. Меҳнат стажини тасдиқлаш ва пенсия ҳисоблаш учун иш ҳақи миқдорини аниқлашда қуйидаги маълумотлардан фойдаланилади:

2005–2016 йиллардаги даврлар учун – ШЖБПҲга мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлар;

2016–2018 йиллардаги даврлар учун – бюджетдан ташқари ПЖга ҳисобланган фуқароларнинг сугурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг электрон марказлаштирилган реестридан маълумотлар;

2019 йил учун – Фуқароларнинг ҳисобланган иш ҳақини персоналлаштирилган ҳисобга олишнинг электрон марказлаштирилган реестридан маълумотлар.

Ушбу даврлар учун архив маълумотлари фақат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда ёки ариза берувчининг мурожаатига кўра талаб этилиши мумкин. Тақдим этилган ҳужжатларни текшириш зарурати туғилганда, шунингдек қўшимча архив маълумотлари талаб этилганда, пенсия кейинчалик қайта ҳисоблаш билан энг кам миқдорда расмийлаштирилади (ПФ-5953-сон 20-б., 2.03.2020 й.).

Шу тариқа, пенсияни расмийлаштиришда 2005 йилгача амалга оширилган меҳнат фаолияти бўйича стажни қоғоз шаклидаги ҳужжатлар билан, 2005 йилдан кейинги стажни эса электрон маълумотлар билан тасдиқлаш мумкин.

2020 йил 1 январдан кейин меҳнат стажини «Ягона миллий меҳнат тизими» (ЯММТ) идораларо аппарат-дасурий комплексларида мавжуд маълумотларга асосан тасдиқланади. Унда меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш асосида электрон меҳнат дафтарчаси шакллантирилади (ПФ-4502-сон, 31.10.2019 й.).

2020 йил 1 январдан ЯММТ жорий этилиши муносабати билан Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказ-

лари (меҳнат биржалари) томонидан қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари берилиши тўхтатилган. Тегишинча, ходим ушбу санадан кейин биринчи марта ишга қайтган бўлса, унинг меҳнат фаолияти ҳақидаги ёзувлар фақат электрон меҳнат дафтарчасига киритилади.

Меҳнат дафтарчаси ва архив маълумотлари мавжуд бўлмаганда – масала фақат суд орқали ҳал қилинади

Меҳнат дафтарчаси йўқотилган, меҳнат фаолияти амалга оширилган корхона эса тугатилган ҳолатлар ҳам учраб туради. Тугатилган корхонада ҳуқуқий ворис бўлса, стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ҳуқуқий ворис томонидан берилади. Бундай ворис бўлмаса, зарур ҳужжатларни архивлардан излаб топши лозим. Архивда ҳужжатлар топилмаган тақдирда, фақат судга мурожаат қилинади (Низом 74, 84-б.).

Суд томонидан давлат пенсиясига бўлган ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ қуйидаги ишлар кўриб чиқилади:

➢ меҳнат стажини тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда меҳнат фаолияти даврларини тасдиқлаш тўғрисидаги ишлар;

➢ меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тегишлилиги тўғрисидаги ишлар;

➢ иш ўринларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, зарарли ва хавфли шароитларда меҳнат қилганликни исботлаш тўғрисидаги ишлар (ОСП 44-сон қарори 5-б., 29.11.2017 й.).

Меҳнат стажини тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, фуқаро яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича судга меҳнат фаолияти даврларини тасдиқлаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши лозим. Бунда у 1 БҲМ миқдорига давлат божи (Миқдорлар, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонун билан тасдиқланган) ва БҲМнинг 7% миқдорига почта харажатларини тўлайди.

ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

Фуқаролик – фақат битта

РФнинг 24.04.2020 йилдаги 134-ФЗ-сон Федерал қонун билан «Россия Федерацияси фуқаролиги тўғрисида»ги Федерал қонунга чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Россия Федерацияси фуқаролигига қабул қилиш таомилини соддалаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритилди. Энди чет элликлар бошқа давлатларнинг паспортларидан воз кечмасликлари мумкин бўлади, РФ фуқаролигига ота-оналаридан бири ёки эр-хотинлардан бири Россия паспортига эга бўлган фуқаролар РФ фуқаролигига даъвогарлик қила олади. Бундан ташқари, мамлакатда доимий яшайдиган, шунингдек рус тилини биладиган чет элликлар РФ фуқароси бўлиши мумкин.

Белоруссия, Қозоғистон, Молдавия ва Украина, шунингдек СССР фуқаролиги кимларда бўлган бўлса ўша шахслар, СССР таркибига кирган мамлакатларда яшайдиганлар учун РФ фуқаролиги паспортини олиш таомили соддалаштирилди. ЎзР фуқаролигидан воз кечмай туриб, Россия фуқаролигини олиш мумкинми?


– Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларидан ифодаланади ҳамда шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинларига асосланган.

Ўзбекистонда республиканинг барча ҳудудларидан ягона фуқаролик белгиланади. Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

ЎзР фуқаролиги фуқаролигини олиш асосларидан қатъи назар, барча учун тенг ҳисобланади. Ўзбекистон фуқаролари келиб чиқишларидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси,



маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, этники, машкулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатларидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир. Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахс фуқароликни олиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким ЎзР фуқаролигидан маҳрум этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳолатлар ёки фуқаролик ҳуқуқини ўзгартириш ҳолатлари бундан мустасно.



Ўзбекистон Республикаси ўз органи ва мансбдор шахслари орқали мамлакат фуқаролари олдидан масъулдир, фуқаро эса давлат олдидан масъул ҳисобланади. Ўзбекистон мамлакат ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқаролигининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш, фуқароликни тиклаш, фуқароликдан чиқиш ёки фуқароликни йўқотиш тўғрисидаги қарор Президент томонидан фармонлар кўринишида қабул қилинади ва имзоланган кундан бошлаб кучга киради («Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида» Қонуннинг 4-моддаси).

Шу тариқа, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўла туриб, кўрсатиб ўтилган РФ Федерал қонунига мувофиқ Россия Федерациясининг фуқаролигини олиш мумкин бўлмайди. Бироқ **сиз бундай ҳолатда қола олмайсиз**. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ **Ўзбекистон фуқаролигининг хорижий давлатлар фуқаролигига мансублиги Ўзбекистон Республикасида эътироф этилмайди**.

Президент томонидан ЎзР фуқаролигидан чиқиш ёки фуқароликни йўқотиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар бир вақтнинг ўзида хорижий давлат фуқаролигига эга бўлган Ўзбекистон фуқароси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ёки масъулиятдан озод этилиши мумкин бўлмайди.

Янги прописка қоидалари

Жорий йилнинг март ёки апрель ойида Президентнинг прописка институтини ислоҳ қилиш тўғрисидаги Фармони чиққанни яқинда эшитиб қолди. Унга мувофиқ 2020 йил 1 сентябрдан паспорт, уй дафтарлари ва прописка карточкаларида доимий прописка штампи қўйилмаслиги режалаштирилган экан.

Шундайми?

– Кенг жамоатчилик фикрларини инобатга олинган ҳолда, Президентнинг «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (22.04.2020 йилдаги ПФ-5984-сон) қабул қилинди. Фармон билан рухсат бериш хусусиятига эга бўлган доимий прописка қилиш тизимидан босқичма-босқич хабар бериш хусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизимига ўтиш ҳамда биринчи босқичда қуйидагиларни амалга ошириш ҳақидаги таклифлар маъқулланди:

➢ «доимий прописка қилиш» ва «турган жойи бўйича ҳисобга олиш» тушунчаларини «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» ва «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» тушунчаларига ўзгартириш;

➢ фуқароларга биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларини ўзи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда бўлган манзил билан бир қаторда эгаллигида бўлган уй-жой майдонида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш имкониятини яратиш;

➢ доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш учун эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида бир-галикда яшаш шarti ҳамда бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши йўқотилиши тўғрисидаги қоидаларни олиб ташлаш;

➢ оиллага тарбияга олинган (патронат) шахслар

уларнинг тутиган ота-онасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши;

➢ илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар доимий яшаш учун тегишинча қайтиб келганида, уларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига ҳеч қандай тўсиқларсиз доимий яшаш жойи бўйича қайта рўйхатга олиш;

➢ тегишли лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқароларга ҳамда республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар учун лавозимни эгаллаб туриш даврига бериладиган доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш ҳуқуқига чекловни бекор қилиш;

➢ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган давлат органлари ва ташкилотларида 5 йил муддат мобайнида узлуксиз меънари фаолиятини юртайётган мутахассисларни (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ходимларидан ташқари) мазкур ҳудудларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш;

➢ республиканинг бошқа ҳудудларида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйлари сотиб олиб, 3 йил ичида сотган ҳолатларда давлат божининг алоҳида ставкаларини қўллаш тартибини бекор қилиш.

Шу билан бирга нотариат органлари, шунингдек миграция ва фуқароликни расмийлаштириш (МваФР) бўлинмалари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Қуйидагилар белгиланган:

➢ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги талаб қилинмайди;

➢ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш билан боғлиқ ишлар идораларо электрон ҳамкорлик орқали «ягона дарча» тамойили асосида Ички ишлар вазирлигининг «Манзил» автоматлаштирилган ахборот тизими воситасида амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон фуқаролигини «Манзил» тизими орқали доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида – 2020 йил 1 сентябрдан;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилади;

➢ доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини бузганлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тегишли ҳудуд ва манзилдан чиқариб юбориш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Президентнинг ПФ-5984-сон Фармонида мувофиқ МваФР бўлинмалари фаолиятида 2020 йил 1 сентябрдан қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилади:

➢ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилиш муддати 15 кун ҳисобланади;

➢ доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши расмийлаштириш 1 кун ичида амалга оширилади.

Бундан ташқари 2020 йил 1 сентябрдан қуйидагилар бекор қилинади:

➢ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда аввалги доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқиш тартиби;

➢ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши расмийлаштиришда паспорт, уй дафтари ёки хонадон карточкасига рўйхатга олиш штампини босиш амалиёти;

➢ доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда ҳарбий хизматга мажбурларнинг мудоффа ишлари бўлимларига ҳарбий ҳисобдан чиқиш ва ҳарбий ҳисобга туриш учун бориши тартиби;

➢ Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишда уй-жой эгасининг розилиги талаб этилмайди;

Шунингдек қуйидагилар режалаштирилмоқда:

➢ тутилган болага фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан тутилганлик тўғрисида гувоҳномани расмийлаштириш чоғида отаси ёки онасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилига идораларо электрон ҳамкорлик орқали маълумотларни киритиш йўли билан уни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби жорий қилинади;

➢ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг муайян ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тегишинча ушбу ҳудуднинг бошқа манзилида истиқомат қилса, турган жойи бўйича вақтинча рўйхатга олиниши шарт эмас ва улар паспорт тизими қоидаларини бузган деб ҳисобланмайди.

Чет элликнинг чиқишига тақиқ

Кадрлар бўлими ходимиман. Компаниямиз раҳбариятида чет эллик фуқаролар ишлайди, улар хорижликлар истиқомат қилиши учун яшаш гувоҳномасига эгалаб, Қозирги пайтда улардан бирига нисбатан судга фуқаролик даъвоси тақдим этилган. Иш судда кўриб чиқиладиган даврда у Ўзбекистондан ташқарига чиқиши мумкинми?

– Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан кетишига қуйидаги ҳолатларда рухсат берилмайди:

а) унинг кетиши давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига зид бўлса – кетишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг амал қилиш муддати тугагунгача;

б) шахсга нисбатан унинг доимий яшаш учун чет элга кетишига тўсқинлик қилувчи шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса – ушбу мажбуриятлар тўхтатилгунга қадар;

в) шахсга нисбатан жиноий иш кўзгатирилган бўлса – иш охирига етказилгунга қадар ёки унинг юзасидан суд қарори қабул қилинганга қадар;

г) шахс жиноят содир этганлиги учун жазога ҳукм қилинган бўлса – жазони ўтаб бўлгунгача ёки жазодан озод этилгунгача;

д) шахс унга суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортаётган бўлса – мажбуриятларни тўлиқ бажариб бўлгунга қадар;

е) шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса;

ж) судда шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси кўзгатирилган бўлса – суд томонидан қарор қабул қилиниши ва у ижро этилгунга қадар (Тартибнинг 20-банди, ВМнинг 21.11.1996 йилдаги 408-сон қарорига 1-илова).

Санжар Хўжаҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

<p>Истиқбол – ҳуқуқий газета</p> <p>НОРМА МАСЛАХАТЧИ</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ</p> <p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўча, 1/1, Таҳририят тел. (71) 200-00-90 Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30 E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; Рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета нашри – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсатиши – 186. Ҳар саҳифа – А3. Ҳажми – 2 боёма табоқ. Баҳою кўпайтилган нархда. Буюрмага г-822. Адади 545. Газета 2020 йил 14 сентябрь соат 15.30 да топширилди.</p>
--	--	--	--	--